

Экологик ҳуқуқларингизни биласизми?

Фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгилаб қўйилган.

Конституциясининг 49-моддасида, атроф-муҳит ва экологияга оид қуйидаги ҳуқуқлари мавжуд:

□ Ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эришиш ҳуқуқига эга.

□ Давлат атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

□ Шаҳарсозлик ҳужжатларининг лойиҳалари жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади.

□ Давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади.

□ Давлат Орол бўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш юзасидан чоралар кўради.

Узун туман адлия бўлими Юридик хизмат кўрсатиш маркази

бош юрисконсулти Турсунов Абдурайим Алмарданович